

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси

Фортепиано ижрочилиги ижодий

бирлашмаси Ижрочи директори



Д. Р. Ислямова

2026 йил

НИЗОМ

“Истеъдодлар харитаси” лойиҳаси доирасида ёш пианиночилар ўртасида республика саралаш танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида

Тошкент - 2026

I бoб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом “Истеъдодлар харитаси” лойиҳаси доирасида ёш пианиночилар ўртасида республика саралаш танловини (кейинги ўринларда — Танлов) ташкил этиш ва ўтказишнинг мақсад ва вазифалари, ташкилий механизми, босқичлари ва шартларини, иштирокчилар ижросини баҳолаш, натижаларни расмийлаштириш ҳамда аниқланган иқтидорли ёш ижрочиларнинг кейинги босқичда касбий ва ижодий қўллаб-қувватлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Фортепиано ижрочилиги ижодий бирлашмаси томонидан Низомни тасдиқлаган ҳамташкилотчилар билан келишилган ҳолда киритилади.

3. Танлов очиклик, шаффофлик, барча иштирокчилар учун тенг имконият, ҳакамлар ҳайъатининг касбий мустақиллиги, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда танлов босқичларининг узвийлиги тамойиллари асосида ўтказилади.

4. Танловнинг асосий ташкилотчиси ва оператори Ўзбекистон Республикаси Фортепиано ижрочилиги ижодий бирлашмаси (кейинги ўринларда — Ижодий бирлашма) ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Танловнинг ҳамташкилотчиси ва ҳамкори сифатида иштирок этади.

6. Танловда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган 8 ёшдан 17 ёшгача бўлган ёш пианиночилар иштирок этади.

Танлов қуйидаги ёш тоифалари бўйича ўтказилади:

I ёш тоифаси - 8 ёшдан 10 ёшгача (10 ёш ҳам киради);

II ёш тоифаси - 11 ёшдан 14 ёшгача (14 ёш ҳам киради);

III ёш тоифаси - 15 ёшдан 17 ёшгача (17 ёш ҳам киради).

II бoб. ТАНЛОВНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

7. Танловнинг асосий мақсади - мамлакатнинг барча ҳудудларидаги иқтидорли ёш пианиночиларни аниқлаш, уларнинг ижодий салоҳиятини изчил ривожлантиришга хизмат қилувчи ягона миллий тизимни шакллантириш, фортепиано ижрочилиги соҳасида истиқболли ёш ижрочилар захирасини яратиш ҳамда уларнинг республика ва халқаро концерт майдонларида Ўзбекистон санъатини муносиб намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришдан иборат.

8. Танловнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида иқтидорли ёш пианиночиларни аниқлаш;

ёш ижрочиларга яшаш жойи, таълим муассасаси ва таълим шаклидан қатъи назар, профессионал саралашда иштирок этиш учун тенг имконият яратиш;

ёш пианиночиларнинг ижро маҳорати, мусикий тафаккури, бадиий диди, услубий саводхонлиги ва сахна маданиятини холис баҳолаш;

энг юқори натижа кўрсатган 100 нафар ёш пианиночидан иборат республика истиқболли ижрочилар рўйхатини шакллантириш;

мазкур рўйхатдан алоҳида ижодий салоҳият ва барқарор натижа намоён этган 20 нафар ёш пианиночини “Энг сара ёш ижрочилар гуруҳи” таркибига киритиш ва улар учун мақсадли касбий-ижодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

ёш пианиночиларнинг ютуқларини оммавий ахборот воситалари, рақамли платформалар ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш;

иқтидорли иштирокчиларни маҳорат дарслари, концертлар, фестиваллар, танловлар, ижодий мактаблар ва стажировкаларга жалб этиш.

III бoб. ТАНЛОВНИ БОШҚАРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ

9. Танловнинг барча босқичлари Ижодий бирлашманинг ташкилий-услубий раҳбарлиги остида ўтказилади. Ижодий бирлашма қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

тегишли маданият бошқаруви органлари билан биргаликда ҳудудий, туман (шаҳар), вилоят ва республика ташкилий қўмиталарини шакллантиради;

республика босқичи ҳакамлар ҳайъати таркибини, шунингдек ҳудудий босқичлар ҳакамлар ҳайъатига қўйиладиган касбий талабларни тасдиқлайди;

баҳолаш мезонларининг барча босқичларда бир хил қўлланилишини, услубий ҳамроҳликни ва ушбу Низом талабларига риоя этилишини таъминлайди;

ахборот кампаниясини ташкил этади, аризалар ва натижаларни қабул қилиш, қайта ишлаш, умумлаштириш ва ҳисобини юритишни мувофиқлаштиради;

республика босқичи натижаларини, республика истиқболли ижрочилар рўйхатини ҳамда “Энг сара ёш ижрочилар гуруҳи” таркибини тасдиқлайди.

10. Республика ташкилий қўмитаси таркибига етакчи пианиночилар, профессор ва педагоглар, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги вакиллари, халқ ва хизмат кўрсатган артистлар, халқаро танловлар лауреатлари, хорижий экспертлар, халқаро мусиқа ташкилотлари ҳамда лойиҳа ҳамкорлари вакиллари киритилиши мумкин.

11. Ҳар бир даражадаги ташкилий қўмита Танлов босқичини белгиланган муддатда ва зарур бадиий-техник савияда ўтказиш, иштирокчилар учун тенг шароит яратиш, тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги, танлов ҳужжатларининг сақланиши ҳамда натижаларни кейинги босқич ташкилий қўмитасига ўз вақтида етказиш учун масъул ҳисобланади.

IV бoб. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

12. Танловда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган ва ҳар йили тасдиқланадиган Танлов шартларида белгиланган ёш ҳамда бошқа талабларга жавоб берадиган ёш пианиночилар иштирок этиши мумкин.

13. Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

белгиланган шаклдаги иштирок аризаси;

туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

вояга етмаган иштирокчининг ота-онаси ёки қонуний вакилининг ёзма розилиги;

таълим муассасаси ва педагог ҳақида маълумот;

танлов дастури ва асарлар давомийлиги тўғрисида маълумот.

14. Зарур ҳужжатлар Ташкилий қўмита томонидан эълон қилинган электрон манзил, махсус рақамли платформа ёки Telegram мессенжери орқали юборилади. Аниқ алоқа реквизитлари Танловнинг расмий эълонида кўрсатилади.

15. Нотўғри ёки сохта маълумот тақдим этиш, ҳужжатларни белгиланган муддатда юбормаслик ёхуд иштирокчининг белгиланган талабларга мос келмаслиги уни Танловга қўймаслик ёки иштирокдан четлаштириш учун асос бўлади.

V бoб. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

16. Танлов қуйидаги тўрт босқичда ўтказилади:

I босқич - маҳалла босқичи (дастлабки саралаш);

II босқич - туман (шаҳар) босқичи;

III босқич - вилоят босқичи, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри босқичлари;

IV босқич - телевизион форматдаги республика финали.

17. Биринчи босқич ҳудудий ташкилий қўмиталар томонидан маданият муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, шунингдек ихтисослаштирилган санъат мактаблари иштирокида ўтказилади. Унда иштирокчилар рўйхатга олинади, ҳужжатлар дастлабки текширувдан ўтказилади ва туман (шаҳар) босқичида қатнашишга муносиб ижрочилар сараланади.

18. Иккинчи босқич маҳалла босқичидан муваффақиятли ўтган иштирокчилар ўртасида туман (шаҳар) ташкилий қўмиталари томонидан ўтказилади. Мазкур босқич ғолиблари ва белгиланган ўтиш баллини тўплаган иштирокчилар вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

19. Учинчи босқич Ижодий бирлашма мувофиқлаштируви остида вилоят ташкилий қўмиталари томонидан ўтказилади. Иштирокчилар ижросини баҳолаш учун фортепиано ижрочилиги соҳасида етарли малака ва обрўга эга мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати жалб этилади. Босқич натижаларига кўра республика финали иштирокчилари аниқланади.

20. Тўртинчи босқич Ижодий бирлашма томонидан телевизион лойиҳа талабларига мос концерт-танлов шаклида ташкил этилади. Телевизион тасвирга олиш жараёни ижронинг табиийлиги, иштирокчиларнинг тенг шароити ва ҳакамлар баҳосининг мустақиллигига таъсир қилмаслиги шарт.

21. Кейинги босқичда фақат аввалги босқичнинг расмий баённомасига киритилган иштирокчилар қатнашиши мумкин. Баённомалар белгиланган шакл ва муддатларда тегишли ташкилий қўмитага тақдим этилади.

22. Алоҳида ҳудудда объектив сабабларга кўра муайян босқични ўтказиш имкони бўлмаган тақдирда, Республика ташкилий қўмитаси ягона баҳолаш мезонлари ва тенг шарт-шароитларни сақлаган ҳолда мазкур ҳудуд иштирокчилари учун бошқа тартибни белгилаши мумкин.

VI боб. ТАНЛОВ ДАСТУРИ ВА ИЖРО ШАРТЛАРИ

23. Танлов дастури иштирокчиларнинг ёш тоифаси, тайёргарлик даражаси ва ҳар бир босқичнинг бадиий-касбий мақсадидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Репертуарга қўйиладиган талаблар аризалар қабули бошланишидан олдин Республика ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланади.

24. Аризаларни қабул қилиш муддати тугаганидан кейин эълон қилинган танлов дастурига ўзгартиш киритишга фақат тегишли босқич ташкилий қўмитасининг асослантирилган қарори билан йўл қўйилади.

25. Ижро давомийлиги, асарлар сони, дастурнинг услубий ва жанрий ранг-баранглиги, қуръа ташлаш тартиби, техник ҳамда акустик машқ шартлари ушбу Низомнинг 1-жадвалида белгиланади.

26. Ташкилотчилар барча иштирокчилар учун тенг сахна шароити, соз ва техник жиҳатдан яроқли концерт рояли, тайёргарлик хонаси ҳамда тасдиқланган сахнага чиқиш тартибини таъминлайди. Ҳар бир иштирокчига концерт асбобида камида 15 дақиқа ва кўпи билан 20 дақиқа акустик машқ қилиш имконияти берилади.

27. Иштирокчи белгиланган вақтда тадбир ўтказиладиган жойга етиб келиши, ташкилотчилар кўрсатмаларига, сахна одоби ва ижро интизومي қоидаларига риоя қилиши шарт. Узрли сабабсиз кечиккан иштирокчини чиқишга қўймаслик масаласи тегишли ташкилий қўмита томонидан ҳал этилади.

28. Ташкилотчилар иштирокчилар ижросини фото, аудио ва видеога ёзиб олиш, мазкур материаллардан амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Танловни ёритиш, лойиҳа архивини шакллантириш, таълимий ва маданий тарғибот мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқига эга.

“Истеъдодлар харитаси” лойиҳаси доирасида ёш пианиночилар ўртасида республика саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга

“Истеъдодлар харитаси” лойиҳаси доирасидаги республика саралаш танловининг дастурий талаблари

№	Ёш тоифаси	Босқич	Давомийлиги	Дастурий талаблар
1	I тоифа (8-10 ёш)	I босқич (махалла)	5 дақиқагача	Эркин танловдаги битта асар.
		II босқич (туман/шаҳар)	8 дақиқагача	И. С. Бахнинг кичик прелюдияси; К. Черни - Гермер этюди (танлов асосида).
		III босқич (вилоят)	8 дақиқагача	И. С. Бахнинг кичик прелюдияси; К. Черни - Гермер этюди (танлов асосида); Ўзбекистон композитори асари.
		IV босқич (республика финали)	5–8 дақиқа	Ўзбекистон композитори асари.
2	II тоифа (11-14 ёш)	I босқич (махалла)	5 дақиқагача	Эркин танловдаги битта асар.
		II босқич (туман/шаҳар)	10 дақиқагача	И. С. Бахнинг икки овозли инвенцияси; К. Чернининг ор. 299 ёки ор. 740 тўпламидан этюд (танлов асосида).
		III босқич (вилоят)	10 дақиқагача	Йирик шаклдаги асар (сонатиналар; сонатанинг I қисми ёки II–III қисмлари, рондо ёхуд вариациялар); К. Чернининг ор. 299 ёки ор. 740 тўпламидан этюд; Ўзбекистон композитори асари.
		IV босқич (республика финали)	15 дақиқагача	Ўзбекистон композитори асари; классик сонатина ёки сонатанинг I қисми.
3	III тоифа (15-17 ёш)	I босқич (махалла)	10 дақиқагача	Эркин танловдаги битта асар.
		II босқич (туман/шаҳар)	15 дақиқагача	Полифоник асар (И. С. Бах); концерт этюди.
		III босқич (вилоят)	15 дақиқагача	И. С. Бахнинг полифоник асари; концерт этюди ёки романтизм, XX–XXI аср мусикасига мансуб виртуоз асар; классик сонатанинг I қисми.
		IV босқич (республика финали)	20 дақиқагача	Классик сонатанинг I қисми; концерт этюди ёки романтизм, XX–XXI аср мусикасига мансуб виртуоз асар; Ўзбекистон композитори асари.

“Истеъдодлар харитаси” лойиҳаси учун тавсия этиладиган композиторлар

№	Муסיқа даври ёки мактаби	Тавсия этиладиган композиторлар
1	Барокко	И. С. Бах
2	Вена классик мактаби	Й. Гайдн, В. А. Моцарт, Л. ван Бетховен,
3	Романтизм	Ф. Кулау, Ф. Шуберт, Ф. Мендельсон, Р. Шуман, Ф. Шопен, Ф. Лист, Э. Григ, К. Сен-Санс, М. Клементи, П. И. Чайковский
4	Импрессионизм	К. Дебюсси, М. Равель
5	XX–XXI аср муסיқаси	Э. Сати, С. Прокофьев, Д. Шостакович, Б. Барток, Д. Кабалевский, А. Хачатурян, С. Рахманинов
6	Ўзбекистон композиторлик мактаби	Г. Мушель, Б. Надеждин, Б. Гиенко, Р. Абдуллаев, О. Абдуллаева, Д. Амануллаева, М. Отажонов, А. Мансуров, Х. Рахимов, А. Отигенов, А. Сафаров, Ф. Акрамов, Н. Норходжаев, М. Бафоев, Ф. Назаров.

Изоҳ: Танловнинг турли босқичларида бир асарни такроран ижро этишга йўл қўйилади. 2-жадвалда келтирилган композиторлар рўйхати тавсиявий хусусиятга эга. Иштирокчилар Танлов талабларига риоя қилган ҳолда ўз дастурини мустақил шакллантириши мумкин.

VII боб. ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ ВА БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

29. Танловнинг ҳар бир босқичида иштирокчилар ижросини баҳолаш учун камида уч нафар мутахассисдан иборат мустақил ҳакамлар ҳайъати тузилади. Республика босқичи ҳакамлар ҳайъати раиси ҳайъат аъзолари томонидан сайланади ёки Республика ташкилий қўмитаси томонидан тайинланади.

30. Ҳакамлар ҳайъати таркибига Ўзбекистоннинг етакчи пианиночилари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари ва санъат йўналишидаги олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчилари, халқ ва хизмат кўрсатган артистлар, халқаро танловлар лауреатлари ҳамда таклиф этилган хорижий экспертлар киритилиши мумкин.

31. Ҳар бир ҳакам иштирокчи ижросини 10 баллик тизимда мустақил баҳолайди. Баҳолашда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинади:

- музикийлик, бадиий мазмунни очиш ва ижро талқинининг ишончилиги;
- техник маҳорат, товуш маданияти, ритмик барқарорлик ва фактурани бошқариш даражаси;
- асар услуби, жанри, шакли ва композиторлик ғоясини англаш;
- сахна маданияти, артистизм, диққатни жамлаш ва ижро интизоми;
- танлов дастурининг яхлитлиги, ижодий индивидуаллик ва кейинги касбий ривожланиш истиқболи.

32. Иштирокчининг якуний бали ҳакамлар қўйган балларнинг ўртача арифметик қиймати асосида аниқланади. Иштирокчи, унинг педагоги ёки яқин қариндоши билан бевосита манфаатдорлик алоқаси мавжуд ҳакам мазкур иштирокчини баҳолашда қатнашмайди ва унинг бали ҳисоб-китобга киритилмайди.

33. Ҳакамлар ҳайъати қарорлари мажлисда иштирок этган барча ҳакамлар имзолайдиган баённома билан расмийлаштирилади. Ижронинг касбий ва бадиий баҳоси бўйича ҳакамлар қарори қатъий ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди. Танловни ташкил этиш тартиби бузилишига оид мурожаатлар Республика ташкилий қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

VIII бoб. НАТИЖАЛАРНИ ЯКУНЛАШ ВА ТАҚДИРЛАШ

34. Танловнинг ҳар бир босқичи натижаларига кўра кейинги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган иштирокчилар аниқланади.

35. Республика финали якунлари бўйича ҳакамлар ҳайъати қарори билан ҳар бир ёш тоифасида ғолиблар ва совриндорлар белгиланади. Совринли ўринлар сони, мукофот турлари ва пул мукофотлари (мавжуд бўлганда) миқдори ҳар йили мавжуд молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб Республика ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланади.

36. Республика финалининг барча иштирокчилари диплом ёки сертификат билан тақдирланади. Ғолиб ва совриндорларни тайёрлаган педагоглар ташаккурнома, фахрий ёрлик ёки махсус мукофотлар билан рағбатлантирилиши мумкин.

37. Республика финали натижалари ҳакамлар ҳайъати баённомалари асосида Республика ташкилий қўмитаси қарори билан тасдиқланади, телевизион форматда намойиш этилади ҳамда лойиҳанинг расмий ахборот ресурсларида эълон қилинади.

IX бoб. МИЛЛИЙ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ИЖРОЧИЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

38. Танлов натижалари асосида Ижодий бирлашма Ўзбекистон Республикаси ёш пианиночиларининг миллий маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади. Мазкур база ҳар йили янгиланади ҳамда иштирокчиларни кейинги босқичда қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий ривожланишини кузатиб бориш ва Ижодий бирлашма лойиҳаларига жалб этиш мақсадида фойдаланилади.

39. Миллий маълумотлар базасига иштирокчининг шахсий маълумотлари, таълими, педагоги, танлов дастури, босқичлар бўйича натижалари, мукофотлари ва ҳакамлар тавсиялари шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликда йўл қўйилган ҳажмда киритилади.

40. Республика истиқболли ижрочилар рўйхати вилоят ва республика босқичлари натижалари, иштирокчининг якуний баллари, натижалар барқарорлиги, дастур мураккаблиги, ижодий салоҳияти ва ҳакамлар тавсиялари асосида 100 нафаргача ёш пианиночидан шакллантирилади. Рўйхатни шакллантириш ва янгилаш тартиби Ижодий бирлашма томонидан тасдиқланади.

41. Республика истиқболли ижрочилар рўйхатига киритилган иштирокчилар орасидан энг юқори касбий-ижодий салоҳият, барқарор натижа ва ривожланиш суръатини намоеън этган 20 нафар ёш пианиночидан “Энг сара ёш ижрочилар гуруҳи” шакллантирилади. Мазкур гуруҳ таркиби доимий ҳисобланмайди ва навбатдаги Танлов натижалари ҳамда иштирокчиларнинг касбий ривожланиш кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳар йили қайта кўриб чиқилади.

42. “Энг сара ёш ижрочилар гуруҳи” аъзолари Ижодий бирлашма ташкил этадиган ёки қўллаб-қувватлайдиган маҳорат дарслари, ижодий академиялар, концерт дастурлари, гастроль сафарлари, халқаро танлов ва фестиваллар, таълим дастурлари, ижодий стажировкалар ҳамда бошқа лойиҳаларда иштирок этишда устувор имкониятга эга бўлади.

43. Республика истиқболли ижрочилар рўйхатига ёки “Энг сара ёш ижрочилар гуруҳи”га киритиш муайян мукофот, грант, халқаро сафар ёки молиявий таъминотни автоматик равишда кафолатламайди. Қўллаб-қувватлаш чоралари мавжуд ташкилий ва молиявий имкониятлар, ҳамкорлик дастурлари ҳамда алоҳида тасдиқланган режалар асосида амалга оширилади.

ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН АРИЗА

1.	Иштирокчи хакида маълумот	Ф.И.Ш.; Туғилган сана Ёши; Яшаш худуди; Телефон рақами; Электрон почта
2.	Таълим муассасаси	Муассаса номи; синфи ёки боскичи
3.	Ёш тоифаси	I / II / III тоифа
4.	Педагог хакида маълумот	Ф.И.Ш.; Иш жойи; Лавозими; Телефон рақами Электрон почта
5.	Танлов дастури	Асар номи; композитор; хар бир асар давомийлиги
6.	Иштирокчи ва қонуний вакил розилиги	Такдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайман, Танлов Низоми билан танишдим ва унинг шартларига розиман. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлашга, шунингдек такдим этилган ва Танлов жараёнида олинган фото, аудио ва видеоматериаллардан ахборот, таълимий ва маданий мақсадларда қонунчиликка мувофик фойдаланишга розилик бераман.
7.	Ариза тўлдирилган сана	“ ____ ” _____ 2026 йил
8.	Ота-она ёки қонуний вакил имзоси	Ф.И.Ш. _____ Имзо _____